

Одамлар орасини ислоҳ қилиш



16:00 / 09.06.2021 4285

Исломда мусулмон кишининг ўзи тўғри йўлдан юриб, зарарли нарсалардан четда туриб, фақат ўзини-ўзи тузатиш билан овора бўлиб қолишига «яхшилик» деб қаралмайди. Балки ҳақиқий мусулмон одамлар орасида ҳам ислоҳ ишларини олиб бориши зарур. Одамлар орасини ислоҳ қилиш мусулмончиликнинг асосий ғояларидан биридир. Чунки икки шахс орасидаги адоват бориб-бориб икки тараф орасидаги адоватга айланиши турган гап. Кўпчилик халқлар ўзаро келишмовчилик натижасида бир неча жамоаларга бўлиниб кетади, улар орасида келишмовчилик авж олиб, ҳатто беҳуда қон тўкилишига ҳам сабаб бўлади. Одамлар орасини ислоҳ қилиш олий даражадаги инсоний сифатлардан бўлиб, бу нарса фақат пок қалблардан чиқади. Одамларнинг орасини тузатиш ҳар бир жамиятга кўп яхшилик ва манфаатлар келтиради, унинг аъзоларини жипслаштиради. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Ўз Китобида бандаларини мўминлар орасини

ислоҳ қилишга буюрган:

مُكَلِّمَ لَعَلَّ لَ اَوْقَاتٍ اَوْ مُكَيِّمًا نَبِيًّا اَوْ حَلَّصَ اَفْعُوخًا نُونًا مُمْسِكًا اِمْنًا
نُونًا مُمْسِكًا

«Албатта, мўминлар биродардирлар, бас, икки биродарингизнинг ўртасини ислоҳ қилинг ва Аллоҳга тақво қилинг, шоядки раҳм қилинсангиз» (Ҳужурот сураси, 10-оят).

Қуръон шунингдек, эр-хотин орасини ислоҳ қилишга ҳам чақирган:

اِنَّ اَوْلَاهَا نُنَّ اَمْ كَحَوْلَاهَا نُنَّ اَمْ كَحَاوْثِ غَبَا فَا مَوْئِيَّ قَا قَشٍ مُّتَفَخِّحًا اِنَّا
اَرِيْبَخَ اَمْ يَلَعَنَّا كَلَلًا اِنَّا اَمْ هَنْيَبُ لَلِ اَقْفَوِي اَحَالِصًا اَدِيْرِي

«Агар икковларининг оралари бузилишидан қўрқсангиз, у(эр)нинг аҳлидан бир ҳакам ва бу (хотин)нинг аҳлидан бир ҳакам юборинг. Агар улар ислоҳни ирода қилсалар, Аллоҳ у(эр-хотин)ларнинг орасини мувофиқлаштирур. Албатта, Аллоҳ ўта билувчидир, ўта хабардордир»(Нисо сураси, 35-оят).

Аллоҳ таоло одамлар орасини ислоҳ қилишдек улуғ иш учун бериладиган савобни баён қилиб шундай дейди:

نُنِّيْبِ اَحَالِصًا وَا فُوْرَعَمٌ وَا اِقْدَصَبَ رَمًا نَمَّ اِلَّا مُهَ اَوْجَن نُنْمَرِيْ ثَكِّي فَرِيْحًا اِلَّا
اَمْ يَطْعَ اَرْحَا هِيْتُوْنَفُ وَا سَفَلَلِ اَتْ اَصْرَمَ اَعْتَبَا كَلْدَلْ غَفِي نَمَّ وَا سَا نَلَلِ

«Уларнинг кўплаб махфий суҳбатларида яхшилик йўқ, садақага, маъруфга ва одамлар орасида ислоҳга буюрган кишигина бундан мустасно. Ким буни Аллоҳнинг розилиги учун қилса, албатта, унга буюк ажр берурмиз»(Нисо сураси, 114-оят).

“Иймон” китобидан